

## ЎЗБЕК ТИЛИДА ТАСВИРИЙ ВА ТАҚЛИДИЙ БИРЛИКЛАРНИНГ СЕМАНТИК-ГРАММАТИК ИМКОНИЯТЛАРИ

*Aliboeva Nilufar Makhmatali kizi*

*Doctor of Philosophy (PhD)*

*[nilufarmuhhammadjonovna2405@mail.ru](mailto:nilufarmuhhammadjonovna2405@mail.ru)*

### Аннотация

Тақлид ифода бирликларининг тилдаги бошқа лексемалардан фарқли жиҳати шундаки, улар тилнинг барча фонетик имкониятларини намоён қиласди, бир қарашда, биргаликда сўз таркибида учрамайдиган товушлар тақлид сўзлар мисолида сон-саноқсиз бўлиши мумкин. Ушбу маколада биз тақлид сўзларнинг шаклланиши жараёнида инсон, аввало, атроф-муҳитни кузатиши ва ундаги маълум товушларни ифодалашда ўз тилининг фонетик имконияти доирасидан келиб чиқиб сўз хосил қилиши сабабини келтирамиз.

### Аннотация

Разница между единицами имитации и другими лексемами в языке заключается в том, что они отражают все фонетические возможности языка, с первого взгляда, звуки, которые не встречаются вместе в структуре слова, могут быть бесчисленными в примере имитации слов. В этой статье мы приводим причину, по которой в процессе формирования слов-имитаций человек сначала наблюдает за окружающей средой и формирует слова на основе фонетического потенциала своего языка при выражении в нем определенных звуков.

### Annotation

The difference between imitation units and other lexemes in a language is that they reflect all the phonetic possibilities of the language, at a glance, sounds that do not occur together in the word structure may be innumerable in the example of imitation words. In this article, we give the reason why in the process of formation of imitation words, a person first observes the environment and forms words based on the phonetic potential of his language in the expression of certain sounds in it.

**Калит сўзлар:** от, сифат, аниқловчи, феъл, тасвирий сўзлар, тақлидий сўзлар **Ключевые слова:** существительное, прилагательное, определитель, глагол, образные слова, имитация слов.

**Keywords:** noun, adjective, determiner, verb, descriptive words, imitation words

Бадиий асарларда товушга тақлид ифодаларини учратиш мумкин ва улар аксар ҳолларда тарз маъносини ҳам ўз ичига қамраб олиб, “жадаллик” ва “лаҳзалик” каби қўшимча маъноларни ҳам ўзида ташийди, кўп ҳолларда

этмоқ, демоқ ёрдамчи феллари билан бирикади. Шу билан бирга, товуш тақлид сўзлари мустақил кесим ёки аниқловчи сифатида ҳам қўлланиши мумкин. Қўйида тақлидий сўзларнинг қўлланишига оид баъзи мисолларни келтириб ўтамиш:

*Кочоқ тўпим тегди бориб  
Айвондаги челакчага.  
Челакчадан сакради сўнг  
Қозиқдаги элакчага.  
Тўпим кулар **дикир, дикир,**  
Мен куламан **қиқир, қиқир.**  
Челак кулар **шақир-шукур.**  
Элак кулар **тапир-тупур.***  
(Анвар Обиджон, Тўполончи тўппонча)

*Tўп отасан “қарса-курс!”  
Сендан зўрроқ ваҳма йўқ.  
Ўпкангни бос, дўқингдан  
Кўрқадиган лакма йўқ.  
(Анвар Обиджон, “Гутуртнинг чақмоққа ёзган хати”)*

*Шохга чиқиб қоқсанг ўрик,  
Мен тагида турволсамчи?  
Тушгунингча мевлаларни  
**Ханна-ханна** урволсамчи?  
(Анвар Обиджон, “Хусаннинг пўписалари”)*

*Тўр халтага пашиша, чивин жойланиб,  
Ўзи чизган “ер шари”ни айланиб  
“Зир” югурап,  
“Fip” югурап, ўргимчак*  
Тақлидий сўзларнинг ундов деб категорияланмаслигига яна бир асос уларнинг синтактик полифункционаллиги. Хусусан, тақлид ифода бирликлари гапда эга, аниқловчи, тўлдирувчи ва ҳол вазифасида келади. Шу ўринда агар тақлид ифодаси *этди, деди* кўмакчи феъллари билан бирга қўлланганда, тақлид ифода бирликлари ҳам кесим таркибида ҳисобланади.

Кўп ҳолларда ҳол вазифасидаги тақлид ифода бирликларини ўзбек халқ мақолларида учратиш мумкин. Масалан:

**Зүв-зув борар, зув-зув келар.**  
Достон ўқир, ғалвир түқир (Ари).

**Зүв-зув борагай, томдан қарағай.**  
Чүп, лой чүқиғай, сават түқиғай (Қалдирғоч).

**Оққина күчук ҳөв-хөв этди,**  
Корни түйиб ағнаб кетди (Урчук)

**Гүв-гүв этади,**  
Маргилон кетади (Урчук).

**Fүв-ғүв этар,**  
Корни түйса юмалаб кетар (Урчук).

**Tan-tan этади,**  
Тагидан карвон ўтади (Элак)  
**Tan-tan этар,**  
Устидан карвон ўтар (Күприк).

**Шилдир-шилдир сув кечар,**  
Оёги сувга тегмас (Кулун).

**Олисдан жангир-жунгир,**  
Яқындан оддий темир (Кулф, калит).

Юқоридаги топишмоқларнинг барчасида тақлид ифода бирликлари жуфт холатда гапнинг кесими олдидан келяпти, шу билан ҳол вазифасида ҳаракатнинг тарзига ишора қиляпти. Такрор тақлилар, шунингдек, жуфт тасвирий ифодалар болалар шеъриятила кўп қўлланади, кўпинча улар қофия куришда асос бўлиб ҳам хизмат қиласи:

**Чирт-чирт ёнар шоху шабба,**  
Кўшиқ баралла.  
**Эсиб ўтар шаббода,**  
Кўйнида ялла,  
**Гулҳан лов-лов ёнади,**  
Гўё ёнар тун.  
(Тўлқин, Гулхан)

Хури ҳола жисигиийрон,  
Нима қилсин бечора,  
**Fув-гув** этиб турган чарҳи,  
Бирдан таноб ташлайди.  
(Турсунбой Адашбоев, Ориятли хўрз)

Куйида тақлидий сўзларнинг аниқловчи вазифасида келишига гувоҳ бўламиз: 1. *Тушки овқатдан кейин бир муддат гангир-гунгур сухбат*; сўнг уйқу элитади (Ш.Холмирзаев). 2. *Бирин-кетин тўрт кишининг отдан тан-тан тушигани эшиитилди* (Ҳ.Ғулом). 3. *Тақ-тақ садо бериб турган деворник бир еридан «дўнг» этган товуши чиқди* (Ҳ.Ғулом).

Бошқа ҳолатлардан фарқли ўлароқ ушбу мисолларда этиб, қилиб сўзлари тақлид сўзга қўмакчи сифатида қўлланмаган ва шу билан тақлид гапда мустақил кела олган.

Куйидаги мисолларда эса тақлидий ифода бирликлари ҳосиласи тасвирий сўз сифатида бевосита кесим вазифасини бажаришига гувоҳ бўламиз:

Дарё шоввуллайди тўлқин туфайли,  
Ёнбошида ариқ оқар шилдираб.  
Умрим, дарё бўлгин, ариқ бўл, майли,  
Лекин кўз ёшидек оқма милтираб...

Қолаверса, шундай тақлид ифода бирликлари борки улар нафақат тақлид товушини балки ҳаракатни ҳам билдира олади. Масалан, дук-дук, гир-гир, гув-гув, тақ-тақ, гарч-гурч, чарс-чурс, чугур-чугур, жаранг-журунг, қаҳ-қаҳ, гумбур-гумбур, шилт-шилт, гижир-гижир каби жуфт бирликлар нафақат бирор жонзор ё ҳаракатнинг овозини балки ўша ҳаракатнинг ўзини ҳам англаста олади. Айни шу нуқтада ҳаракат ва овоз тақлиди бир ифода шаклига жойлашади.

(Турсунбой Адашбоев, Турист)

### Адабиётлар

1. Kungurov R. —T: Subject, 1966
2. International Journal of Basic Sciences and Applied Research Vol, 3 (SP), 219-225, 2014//Available online at <http://www.isicenter.org.-P.221>
3. [www.wikipedia.org](http://www.wikipedia.org)
4. [www.hozir.org](http://www.hozir.org)